# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 3 август, № 151 (5825) Шанба


## Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланди

*Яқинда Брюссель Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожи истиқболлари ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳаларига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларига бағишланган “Ўзбекистон — Бельгия” бизнес-семинари бўлиб ўтди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Брюссель минтақаси ишбилармон доиралари, Валлония Ташқи савдо ва инвестициялар агентлиги, Фламанд Инвестиция ва савдо агентлиги, “Агория” Бельгия саноат корхоналари уюшмаси вакиллари ҳамда Э. Ғаниев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги делегацияси қатнашди.

Семинарда мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2013 йилга мўлжалланган устувор вазифалар, иқтисодиётни диверсификациялаш ва хорижий сармоядорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Брюссель Савдо-саноат палатаси раиси О. Виллокс** Бельгия ишбилармон доиралари вакиллари мазкур бизнес-семинарда қатнашаётгани уларнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигидан далолат беришини таъкидлади. Хусусан, О. Виллокс юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берар экан, Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори макроиқтисодий кўрсаткичлари ва барқарор ўсиш суръатларини алоҳида эътироф этди. Унинг айтишича, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқорилиги Бельгия етакчи компанияларининг айнан Ўзбекистонни истиқболли сармоявий шерик сифатида танлашига асос бўладиган муҳим омилдир.

Тадбир давомида бельгиялик тадбиркорларга республикамизда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган истиқболли сармоявий лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборотлар тақдим этилди. Бинобарин, Ўзбекистон замонавий технология ва ускуналарни жалб қилиш, юқори қўшимча қийматли ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш сингари йўналишларни қамраб олувчи савдо-иқтисодий ҳамкорликдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).



## Истиқболли лойиҳалар самаралари

*Хонобод шаҳри — Андижон вилоятининг йирик саноат марказларидан бири. Кейинги йилларда бу ерда олиб борилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Шу билан бирга, саноат тармоқлари, замонавий инфратузилма иншоотлари, кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Айни пайтда шаҳардаги “Андижонкабель”, “УзКоджи” каби йирик экспортчи корхоналар ҳамда 279 та кичик бизнес субъекти ҳудуд аҳолисининг импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш баробарида, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда хориждан келаётган буюртмаларни ўз вақтида, сифатли қилиб бажаришга эришаётир. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида Хонободда 158 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди. Эътиборлиси, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39,4 миллиард сўмга кўпдир. Ташқи савдо айланмаси эса 38 миллион 168,9 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Яқинда шаҳардаги шундай илғор ишлаб чиқариш субъектлари қаторига “Lens textile invest” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Лойиҳа доирасида корхона цехлари 1 миллиард 600 миллион сўмлик замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Хонобод филиали томонидан ажратилган 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит жамият биносини реконструкция қилишга сарфланди. Ҳозир бу ерда 250 нафар хотин-қиз иш билан банд. Уларнинг 120 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

(Давоми 3-бетда).

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ *“Трансйўлқурилиш” компаниясининг Қашқадарё вилояти мобиль пунктига қарашли Ғузор асфальт-бетон заводида замонавий техника ва технологиялар асосида иссиқ ҳамда совуқ асфальт тайёрлаш йўлга қўйилди.*

### Миллий магистралда янги завод

Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобига Хитойдан келтирилган “Road machinery” русумидаги бу замонавий агрегат соатига 150 тонна асфальт-бетон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Мобиль пункт бошлиғи Шуҳрат Юсуповнинг таъкидлашича, цехга ўрнатилган янги ускуналар йўл қурилиши учун ишлатиладиган барча турдаги асфальт-бетон қопламалари аралашмасини тез ва юқори сифатда ишлаб чиқаришда қўл келаётир. Бу эса корхонада камида 15 та қўшимча иш ўрни яратиш билан бирга, йўлларни халқаро андозалар талаблари даражасида таъмирлаш имконини бермоқда. Тўлиқ қувватда ишлай бошлаган цехда ҳозиргача 26 минг тоннадан ортиқ асфальт ишлаб чиқарилиб, миллий магистрал йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун етказиб берилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бухоро вилоятида жорий йилнинг дастлабки ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 111,3 фоизга ўсди.*

### Модернизация ва ўсиш суръатлари

Бунга бир қатор корхоналарда модернизациялаш юмушларининг амалга оширилиши эвазига эришилди.

Шулардан бири Олот туманидаги “Мергантекс” масъулияти чекланган жамиятидир. Корхонага ўтган йили 800 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар ўрнатилган эди. Бу эса иш қувватининг ошишига олиб келди. Шу йилнинг олти ойида чет эллик буюртмачилар ҳамда ички бозор эҳтиёжи учун 1150 тонна калава ип тайёрланди. Йил охирига бориб ушбу кўрсаткич 2500 тоннага етиши кутилаяпти. Яқин истиқболда трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш лойиҳаси амалиётга татбиқ этилиши мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Айни пайтда дала ва боғ неъматларининг ҳар қачонгидан сероблиги қайта ишлаш корхоналари фаолиятига унум ва самарадорлик бахш этмоқда.*

### Экспорт ҳажми кўпайди

Янгийўл туманидаги “Янфудэкспорт” масъулияти чекланган жамияти худди шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. Мазкур корхонада ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, 500 минг АҚШ доллари ҳамда 2 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилгач, замонавий хориж технологияси асосида мева-сабзавот маҳсулотлари ва кўкатларни қуритиш йўлга қўйилди. Жамият жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида хорижлик буюртмачиларга 628 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб беришга муваффақ бўлди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги тадбиркорлик субъектлари томонидан 24,3 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди. Бу кўрсаткич ҳудудий экспорт дастурида белгиланганидан қарийб 5 баробар кўпдир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Наманган шаҳридаги “Leasing bonus” масъулияти чекланган жамиятида шифер тайёрлана бошланди.*

### Сифатли ва харидоргир

Мазкур лойиҳа рўёби учун 531,6 минг АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилди. Ишга туширилган технология тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, бу маҳсулот сифати юқори бўлишини таъминлайди. 45 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада кунига 2000 донадан зиёд шифер тайёрланмоқда.

— 2013 — 2015 йилларда вилоят саноат салоҳиятини ошириш дастурига мувофиқ, шу каби 232 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Окибжон Иномов. — Бу мақсадлар учун 21 миллион 926 минг АҚШ долларилик сармоя ўзлаштирилди. Пировардида 3628 та иш ўрни яратилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Термиз шаҳридаги “Фарҳод-Ширин-Термиз” масъулияти чекланган жамияти жамоаси тадбиркорлик фаолиятини аҳолига умумий овқатланиш хизмати кўрсатишдан бошлаган эди.*

### Унумдорлик ортди

Эндиликда бу ерда нон ва қандолат маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Мазкур бизнес лойиҳани амалга оширишда банкнинг 100 миллион сўмлик сармоясидан фойдаландик, — дейди тадбиркор Эргаш Ҳайдаров. — Ҳозирги кунда цехларимизга ўрнатилган замонавий технологиялар кам энергия сарфлаб, юқори унумдорликка эришишда муҳим омил бўлаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

## Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шундай эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

*Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, ислоҳотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнглимиз ифтихорга тўлади.*

Дарҳақиқат, тарихан қисқа, шу билан бирга, асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби банк тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада ўта қисқа даврда мустаҳкам иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асос ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган, халқаро андозаларга тўлиқ мос келувчи, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб, у юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнларида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Шубҳасиз, бунда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг “ўзбек модели” бош мезон бўлди. Бинобарин, мазкур стратегик дастур давлат қурилишини тубдан янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб бориш тамойилларига асослангандир.

### Долзарб вазифаларнинг оқилона ечими

Ортда қолган йилларни сарҳисоб қилганда, шунга гувоҳ бўламизки, маъмурий-буйруқбозлик ва режали-тақсимот тамойиллари ҳукмрон бўлган тизим ўрнига тамомила янги — эркин бозор муносабатлари ва тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш ўз-ўзидан, бир текисда ва осон кечгани йўқ. Бу йўлда жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келган эди. Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарини мутолаа қилар эканмиз, халқимиз бахт-саодати, эртанги кунини ўйлаб бошланган ана шу оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Чиндан ҳам, бундан йигирма икки йил аввалги ҳолатни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Ўша даврларда кучли марказлаштирилган, режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимини тугатиш, ривожланган бозор институтлари, механизмларини шакллантириш ва қарор топтириш, иқтисодий мустақилликка эришиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узилишларига йўл қўймаслик каби ҳаётий вазифалар кун тартибида долзарб бўлиб турган эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин олдимизда янги истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд таркибини ўзгартириш, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топишдек асосий вазифа турар эди.

Бундай мураккаб вазифани бажариш учун, энг аввало, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш, нефть ва газ, тўқимачилик, электротехника, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш зарур эди.

Биргина 1994 йилнинг ўзида чет мамлакатлардан 674 миллион АҚШ долларига тенг нефть маҳсулотлари ва 430 миллион долларлик ғалла сотиб олинди. Бу эса ўша даврдаги умумий импорт ҳажмининг мос равишда 25 ва 16 фоизини ташкил этар эди.

Агар кейинчалик нефть ва ғалланинг жаҳон бозоридаги нархлари анчагина кўтарилганлигини ҳамда маҳсулотларни бошқа ҳамдўстлик давлатлари орқали олиб ўтишда транспорт харажатларининг бир неча баробар ошганлигини эътиборга олсак, ўзимизни нефть ва ғалла билан таъминлашга қаратилган сиёсат бундан ҳам кўп маблағни тежаб қолишга мустаҳкам пойдевор бўлганлиги аёнлашади.

Марказий банк ва тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, Ўзбекистон учун янги бўлган саноат тармоқларининг ривожланишига асос яратилди. Улар орасида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги “GM Ўзбекистон” автомобиль заводи, қатор кимё ва бошқа корхоналар борки, улар ҳақли равишда иқтисодиётимизнинг байроқдорлари ҳисобланади.

### Жамиятнинг қон томири

Келинг, шу ўринда тарихга бир назар ташлаймиз.

Ўзбекистон 1991 йилгача ўзининг алоҳида мустақил банк тизими ва мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга эмас эди. Республикадаги пул-кредит сиёсати эса собиқ иттифоқ Давлат банки белгилаб берган қоида ва кўрсатмалар асосида амалга ошириларди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган, ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот ошкор этилмасди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди.

Ўша даврдаги банк тизимининг яна бир оғриқли нуқтаси собиқ иттифоқ ҳудудида ички ҳисоб-китобларнинг чалкашликларга учраганлиги эди. Совет иттифоқидек катта ҳудудда автоматлаштириш даражасининг пастлиги сабаб банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар (МФО — филиаллараро айланма) тизими ноқулайликларни келтириб чиқарар, бир шаҳарда жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳафталаб охирига етмай қолар эди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамият қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга алоҳида эътиборини фахр билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврдаёқ, Юртбошимиз жасорати туфайли мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

**Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шундай эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида "Турон" бирлаштирув тижорат банки ташкил этилди.

## Мураккабликлар ва муваффақиятлар

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банк тизими олдида ҳам ўта жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, макроиқтисодий вазиятнинг жиддий ёмонлашиши, собиқ иқтисодий макондаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқариш ҳамда республикалараро савдо ҳажмларининг сезиларли қисқариши натижасида талаб ва таклиф мувозанатининг бузилиши, рублга асосланган пул муомаласининг ўта мураккаблашиши, муомалада нақд пулларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, юқори даражадаги инфляциянинг юзага келиши, қолаверса, банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва тўлов тизимининг мавжуд эмаслиги, ҳаттоки оддий компьютер техникасининг йўқлиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси маҳаллий раҳбар ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар кўндаланг турар эди. Улар фақат муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрликлари ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди.

Мустақиллик йилларида замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, соҳадаги ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991 — 2000 йилларда қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан,** пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган, давлатнинг захира ва эмиссион муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: Қоғоз фабрикаси, Босмахона, Зарбхона, шунингдек, Қимматбаҳо металлар агентлиги ва Республика инкассация бирлашмаси ташкил этилди.

**Иккинчидан,** тижорат банкларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ҳамда икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган тижорат банклари, шунингдек, қўшма ва чет эл банклари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун билан мустаҳкамланган ваколатлари доирасида банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

**Учинчидан,** давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги, миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Бу мустақил самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

**Тўртинчидан,** мижозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасасидан бошқасига почта орқали етказиш усулига асосланган эски тўлов тизими ўрнига МДҲ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб ҳар томонлама қулай, транзакциялар сони ва банклар ўртасидаги масофадан қатъи назар, тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга қодир бўлган замонавий банклараро электрон тўлов тизими ишга туширилди.

**Бешинчидан,** собиқ иттифоқ банк тизими фаолиятини тартибга соладиган, марказлаштирилган, режали иқтисодий тизим талаблари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тамойилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи, халқаро стандартлар талабларига асосланган мукаммал меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

**Олтинчидан,** манфаатдорликни пасайтирадиган, молиявий воситачилик самарадорлиги ва кўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган фоиз ставкалари ҳамда кредит миқдорлари бўйича лимитлар ўрнатиш каби чекловлар бекор қилиниб, банклар фаолиятини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

**Еттинчидан,** тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилди, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисоботлар тизимлари жорий этилди. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг банк фаолиятини лицензиялаш ва банкларни рўйхатга олиш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари амалиётга татбиқ қилинди.

**Саккизинчидан,** лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва уларнинг кафедралари, шунингдек, Банк-молия ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиялари ҳамда хориждаги ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизими яратилди.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991 — 2000 йилларда Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг ташкилий, ҳуқуқий асослари ва мукаммал инфратузилмаси шакллантирилди. Банклар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилишнинг халқаро андозаларга мос тизими вужудга келди.

## Эркинлаштириш, такомиллаштириш ва барқарорлик шартлари

Ўтказилган ислоҳотларнинг учинчи ва тўртинчи босқичлари — 2001 — 2010 йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш, банк ишини такомиллаштириш, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини ошириш, молия-банк сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Энг аввало, банк фаолияти янада эркинлаштирилиб, банк операциялари, хусусан, кредитлашни қадам-бақадам белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди, мижозларининг молиявий ҳолати, бизнес-режаларининг ҳаётийлиги, кредит таъминоти ликвидлиги ва бошқа сифатларига нисбатан талабларни белгилаш ваколати тижорат банкларининг ўзларига ўтказиб берилди, тижорат банклари молиявий ҳолати учун банк Кенгаши ва бошқарувининг жавобгарлиги оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлаш жараёнлари оптималлашуви ва соддалашуви юз берди, банк акциядорларининг банкни бошқаришдаги масъулияти, роли ва аҳамияти ошди, банкларни бошқариш сифати яхшиланди. Ўз навбатида, соҳада рақобат муҳити кучайди ва пировардида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ошиб борди.

Айни чоғда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилди, муомаладаги товар-пул мувозанатини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари фойдаланиш кўламлари янада кенгайтирилди. Ушбу босқичда очиқ бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялари муомалага чиқарилди.

Булардан ташқари, нақд пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган нақд пул тушумининг банк кассаларига тўлиқ инкассация қилиниши ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи мурожаатига кўра таъминлаш борасидаги механизм жорий этилди. Ушбу босқичда банклар фаолияти мониторингини қилиш ва муаммо юзага келганда уни тезкор ҳал этишнинг самарали тизими шакллантирилди.

Аввало, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи бирламчи асосларга қўйиладиган талаблар халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилди, ваколат ва масъулиятлари кескин кучайтирилди.

Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Бундай ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги, ўз мажбуриятларини муддатида ҳамда тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий ва талабчан банк назорати остига олинди. Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатларини тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йилда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси тузилди ва фуқароларнинг тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган банклардаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши асосида эса, мижозлар тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилиб, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда ўзига маъқулини танлаш имкониятини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги кенг доирадаги маълумотларнинг эълон қилиниши йўлга қўйилди. Жумладан, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини ОАВда эълон қилиш юзасидан мажбуриятлари белгиланди.

Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширди ҳамда уларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига ёрдам берди.

Шулар баробарида валюта сиёсати эркинлаштирилди ва такомиллаштирилди, мамлакатимиз Халқаро валюта жамғармасининг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишув моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Ички валюта бозорида эса сўм маблағларини конвертация қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди. Буларнинг натижасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўпайди, миллий валютамиз барқарорлигини таъминловчи халқаро захираларимиз миқдори ўсиб борди. Бугунги кунда халқаро захираларимиз миқдори Халқаро валюта жамғармаси талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши Ўзбекистон банкларининг Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишини таъминлади.

## Етти ўлчаб, бир кес

Юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини бугунги кунда эришилаётган макроиқтисодий кўрсаткичларга назар ташлаган ҳолда яққол кузатишимиз мумкин. Хусусан, республикамиз иқтисодий ўсиш суръатлари 2012 йилда 8,2 фоизни, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 8 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 11,6 фоиз ўсиб, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи тайёр товарлардан иборат бўлди.

Ҳали-ҳануз 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талафотларидан сўнг ташқи қарз ва бюджет дефицити муаммоларига дуч келган қатор мамлакатлардаги номутаносибликларга ечим топилмаётган бир вақтда, республикамизнинг жами ташқи қарзлари жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ЯИМ ҳажмининг атиги 16 фоизини ташкил этди. Бу — Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг хулосасига қараганда, дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети эса 2005 йилдан буён ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилиб келинаётгани мамлакатимизда фискал сиёсатининг самарали ижро этилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқларида ташқи қарз тўғрисида билдирган фикрларини келтириш лозим:

"Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишни ҳисобга олмасак бу — катта гуноҳ бўлади".

Ҳали мустақилликка эришганимизга бир йил тўлмасдан туриб давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар теран мушоҳадаларга асосланганлигини тараққиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи яққол тасдиқлаб турибди. Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни жадал ривожлантиришни афзал кўрдик.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охирги ўн йил давомида банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охирги уч йил ичида 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан банк тизими умумий капитали ҳажми 23,6 фоизга ошди. Натижада бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

Банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичи охирги йилларда 65 фоиздан (2013 йил 1 июль ҳолатига кўра — 65,5 фоиз) юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан (30 фоиз) 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди. Ўз навбатида, республикамиз иқтисодиёти, шу жумладан, банк тизими фаолиятининг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамияти ва халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2012 йил 28 ноябрь — 7 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган миссияси ўз баённомасида қуйидагиларни эътироф этди:

**"Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларга эришишни давом эттирмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб тижорат банклари капиталининг етарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланмоқда.**

**Барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз жалб қилишдаги эҳтиёткорона ёндашув мамлакатни жаҳон инқирозининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди".**

Яна бир катта эътироф — Буюк Британиянинг рискларни таҳлил қилиш билан шуғулланувчи "Мейплкрофт" консалтинг компаниясига тегишлидир. Ушбу нуфузли ташкилот томонидан эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг узоқ муддатли инвестициялар учун жозибадорлик рейтингида жаҳоннинг 175 та давлати ичида Ўзбекистон биринчи 20 талик таркибга киритилди.

Бундай юксак баҳолар, мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизмини ривожлантиришда эришилаётган юқори натижалар Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва "ўзбек модели"нинг ниҳоятда тўғри ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётгани халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга бўлган "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет охирги уч йилда республикамиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларига "барқарор" рейтинг даражаси берилди. "Стандарт энд Пурс" агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизмини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги "Фитчс рейтингс" агентлиги томонидан ҳам эътироф этилди.

2010 йилда халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингини олган тижорат банклари сони 13 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча 29 та банк шундай рейтинг баҳога эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Халқаро валюта жамғармасининг охирги тадқиқотларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сонига кўра МДҲ мамлакатлари ўртасида етакчилик қилмоқда.

## Яқин кўмакчи, ишончли ҳамкор

Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони — 29 тани, уларнинг республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган филиаллари сони — 832 тани, минибанк ва махсус кассалари сони 4 мингтадан зиёдни ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Охирги 10 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми 30 мартага, шу жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 41 баробарга ошди. Охирги уч йил ичида банклардаги жами депозитларнинг ҳажми 2,6 баробарга, шу жумладан, аҳоли омонатлари 2,4 баробарга ортди. Натижада тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 23,1 трлн. сўмга етди.

Банк тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини "Ижтимоий фикр" жамоатчилик марказининг ижтимоий тадқиқот натижалари ҳам тасдиқламоқда. Сўнгги ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 95 фоизи мамлакатимиз банкларига ишончи юқори эканлигини ҳамда жамғармаларини банкларда сақлашларини билдирган. Банкларнинг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётгани, ўз навбатида, банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2012 йилда банкларнинг жами активлари 30 фоиздан кўпроққа, сўнгги 10 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 11 баробардан зиёдга, охирги 3 йилда эса 2,3 баробарга ошиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 37,1 трлн. сўмни ташкил этди. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30,9 фоизга ортиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 21,3 трлн. сўмга етди.

Банкларнинг кредит портфели таркибидаги сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмалардаги салмоғи 79,2 фоизга етди. Муддати 3 йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоизга кўпайиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этмоқда. Умуман, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми сўнгги 10 йилда 9 мартага, охирги уч йилда эса 2,4 баробарга ошди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан инвестиция мақсадларига ажратилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил қилди. Охирги беш йилда инвестициявий кредитларнинг ҳажми 4 баробарга, охирги уч йилда эса 2,2 баробарга ошди.

Республикамиз тижорат банклари ўзларининг кредитлари билан иқтисодиётимиздаги стратегик ва муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, айниқса, эътиборлидир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 3,45 трлн. сўмлик (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,31 марта кўп) инвестициявий кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

## Мақсад моҳиятни белгилайди

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун бир йилгача бўлган муддатга ажратилган имтиёзли кредитларнинг ҳажми 362,5 млрд. сўмни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 690,1 млрд. сўм миқдорида, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,2 баробар;

ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли бўлган замонавий технологик ускуналар ҳамда хом ашё ва материалларни сотиб олишга 740,1 млрд. сўм миқдорида, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,3 баробар кўпроқ кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон банк-молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, ўтган йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди. Бунинг эвазига Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 123 та корхона 995,5 млрд. сўмга янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансида қолган 47 та корхонадан 33 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 2,2 трлн. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан, 601,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан тикланган корхоналарда кенг кўламдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга ҳамда экспортга йўналтирилиб, республикамиз валюта захираларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

## Обод турмушга йўналтирилган сармоялар

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу дастур доирасида жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан, 15 мингта ёш оилага 81 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бу маблағлар аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель анжомлари, маиший техника ва бошқа узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларни сотиб олишга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Умуман, аҳолига ажратилган истеъмол кредитларининг умумий ҳажми сўнгги уч йил мобайнида 2 баробардан зиёдга, шундан ёш оилаларга берилгани 2,4 баробар ошди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали йўллардан бири, бу — тижорат банклари томонидан фуқароларга ипотека кредитлари ажратишдир. Мазкур соҳа Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкилий пойдевор қўйилган.

Шуларга муштарак равишда "Қишлоқ қурилиш банки" ташкил этилди. Ушбу банк очилгандан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 1 трлн. 400 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди.

## Ижтимоий фаровонлик эътирофи

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция юқори савияда ташкил этилди. Унда қатнашган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо бериб, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳавас қилишга арзигулик эканини алоҳида эътироф этдилар.

## Кичик бизнес ва тадбиркорликка мадад

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг ғоят муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг кўламлари тобора кенгайиб бормоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан 3,8 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир.

Жумладан, "Микрокредитбанк" томонидан устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манзилли қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу йўналишлар бўйича кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2013 йилнинг 6 ойи давомида 125,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробарга ошди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 2013 йилнинг 6 ойи давомида 60 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг олис ҳамда етиб бориш қийин, меҳнат ресурслари кўп бўлган туманлар ва шаҳарлардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жорий йилнинг 6 ойи давомида 23,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

## Салоҳиятли ёш авлод — муваффақиятлар калити

Иқтисодий ислоҳотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги муваффақият, асосан, кадрларга, уларнинг малакаси, ислоҳотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқдир. Шу ўринда Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти — охир-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ, деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ушбу эзгу мақсадда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляптики, натижада соҳага юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш мутахассислар етказиб берилмоқда.

Хусусан, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 26 июлида "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори билан "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида Низом" тасдиқланди. Унинг талаблари асосида биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 7 197 нафар талабага 19,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,8 баробар кўп таълим кредити ажратилди.

Бу эса, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишига, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишига моддий кўмакдир, албатта. Қолаверса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси асосида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва улар билан таъминланмоқда. Шу мақсадда уларнинг кичик бизнес лойиҳаларини республика тижорат банклари томонидан молиялаштириш 2013 йилнинг 6 ойи давомида 54,1 млрд. сўм ёки ўтган 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

## Замонавий технологиялар — аҳоли хизматида

Ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида молиявий хизматлар кўрсатиш узлуксизлиги таъминланиб, тўлов айланмасида нақд пулсиз, жумладан, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

2012 йилда Юртбошимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзкарт" банклараро чакана тўлов тизими йўлга қўйилди.

Тижорат банклари томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиш, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи мижозлар сони 190 мингдан зиёдни ташкил этди. Шундан интернет-банкинг ва "Банк-Мижоз" дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 46124 нафарга етган бўлса, мобиль-банкинг ва СМС-банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 144 минг нафарни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан реал вақт режимида мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали банк ҳисобварақлари эгаларига ушбу ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи мижозлар учун қулай бўлган хизмат турлари фаол жорий этилмоқда. Ўтган йилнинг охирида бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингтадан ошди ёки олдинги йилдагига қараганда ўсиш 1,6 бараварни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган "Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлар иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган "ўзбек модели" тўғри танланганлигини эътироф этиб, уни амалга ошириш асосида эришилган натижаларга юқори баҳо бердилар.

Қолаверса, 2010 йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Жаҳондаги глобал молиявий оқимлар ҳажмлари пасайишининг давом этиши, банк тизимлари учун ресурс етишмовчилиги муаммосининг чуқурлашиши ва қатор мамлакатлардаги қарз инқирозининг кучайиши жаҳон иқтисодиётига хавф солаётган ҳозирги даврда республика банк тизимининг капиталлашуви ҳамда ички ресурс базасини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашуви, депозит базаси ва ликвидлигини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кучайтириш банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бунда энг асосий дастуриламалдир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жабҳалари қатори, молия-банк соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ҳар қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор юксалтириб боришга хизмат қилаётир. Зеро, мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг соҳага бўлган беқиёс эътибори билан мамлакатимизда халқаро андозалардаги мукаммал ва замонавий банк-молия тизими яратилди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон банк тизимининг янада барқ уриб ривожланишини таъминлайди. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.**

# Венада Ўзбекистон тақдимоти

*Яқинда Австрия пойтахтида Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Австриядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда маҳаллий жамоатчилик ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари қатнашди.*

ЭЪТИРОФ

Тақдимотда ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси, тарихий шаҳарларимизда қад кўтарган меъморий обидалар ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг материаллар, шунингдек, амалий санъатимиз ва миллий либосларимиз жозибасини акс эттирган фотосуратлар ҳамда видеолавҳалар тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Маросим иштирокчилари мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, юртимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, иқтисодий ўсиш суръатлари ва саноат салоҳияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Тадбир чоғида юртимиздаги қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳити жозибадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислоҳотлар хорижий капитал маблағлари ҳажми ортишига ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини янада ривожлантиришга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, республикамизда туризм соҳасида эришилган муваффақиятлар, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва уни янада такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот якунида унинг айрим иштирокчилари ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Жумладан, **Австриядаги "А-Гус" академияси вакили Александр Лайтнер** Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва бой маданияти австриялик сайёҳларнинг эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб қилаётганини қайд этди. "Бугунги тақдимот халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ва маданий соҳадаги мулоқотлар кўлами янада кенгайишига хизмат қилади", деди у.

**"СМТ" компаниясининг бошқарувчи маслаҳатчиси Михаель Циерфогл** ҳам Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўлка маданий меросини асраб-авайлашга юксак эътибор қаратилаётганини юқори баҳолади. "Юртингизда мавжуд бўлган даволаш-соғломлаштириш, экология, тоғ чанғиси, экстремал туризм ва бошқа йўналишлар европалик сайёҳлар эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этаяпти. Бу Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти нақадар юксак эканлигидан далолат беради", деди М. Циерфогл.

**"Бизнес, маданият ва спорт" жамияти директори Манфред Тихи** бир неча йил аввал Ўзбекистонга уюштирган сафари чоғида мамлакатимизнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган бетакрор тарихий шаҳарлари, кўрку маҳобати билан кишини ҳайратлантирадиган кўплаб тарихий обидалари билан бевосита танишишга муяссар бўлганини мамнуният билан маълум қилди. "Ўзига хос ва ўзига мос ўзбекона меҳмондўстлик анъаналари ҳам менда унутилмас таассуротлар қолдирди", деди у.

Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур тақдимот доирасида Ўзбекистон — Австрия Маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш жамиятининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

# Мактаб либослари кўргазмаси

*Ҳадемай таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланади. Шу муносабат билан Фарғона вилояти марказидаги "Ёшлар хиёбони"да мактаб либослари кўргазмаси ташкил этилди.*

ЯХШИ ХАБАР

Унда "Фазо Фарғона люкс" хусусий корхонаси томонидан тайёрланган 25 хилдаги моделлар кенг жамоатчиликка намойиш қилинаяпти. Корхона раҳбари Зулхумор Алиохунованинг таъкидлашича, жамоа тўрт йилдан бери мактаб либослари яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Замонавийлик ҳамда миллий анъаналар уйғунлиги таъминланган бу кийимлар табиий матолардан тикилмоқда.

— Қизим Шаҳзодахон биринчи синфга боради, — дейди Фарғона шаҳрида яшовчи Зилола Нуралиева. — Мактаб либослари қулайлиги ва кўркамлигидан ташқари, иқлим шароитимизга мослиги билан ҳам бизга маъқул келди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалаларига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари, мазкур ҳудудларда саноатнинг барча тармоқларида тўлиқ ишлаб чиқариш қамровига эга мажмуалар барпо этиш учун яратилган шарт-шароитлар, бу ерда рўйхатга олинган хорижий сармоядорлар учун берилган кенг имтиёзлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. “Навоий” интермодал логистика марказининг фаолияти ва унинг маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича имкониятлари ҳам бельгиялик ишбилармонлар диққат-эътиборида бўлди.

Тадбир доирасида нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги сармоявий ҳамкорлик истиқболларига бағишлаб ўтказилган тақдимот чоғида семинар қатнашчилари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик тараққиётининг афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишиш баробарида, кимё, қурилиш, озиқ-овқат ва автомобилсозлик саноати, электротехника ва электроника, ахборот технологиялари ҳамда бошқа жабҳаларда икки томонлама алоқаларнинг истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Бельгиянинг “Picanol” ва “Intellisol” компаниялари вакиллари Ўзбекистонда амалий шерикликни чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлигини таъкидлашди. Улар Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан орттирган ижобий тажрибалари ҳақида ўртоқлашар экан, келажакда мазкур алоқаларни янада жадаллаштиришга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Хусусан, **“Intellisol” компанияси раҳбарлари Х. Дениелс ва Р. Кох** Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига юқори баҳо бериб, бу Бельгиянинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз бозоридаги фаолликни янада ошириш учун шароит яратишини қайд этдилар.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **“Horeco” компанияси ижрочи директори Н. Рамондетти** ушбу бизнес-семинар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида Ўзбекистон салоҳияти ҳамда мамлакатимизда шаклланган сармоявий муҳит билан яқиндан танишиш учун ажойиб имконият яратганини таъкидлади.

Н. Рамондеттининг фикрича, меҳмонхона бизнеси, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш сингари тармоқларда фаолият кўрсатадиган бельгиялик ишбилармонларга мамлакатимиз билан сармоявий ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжуд. Ҳар икки томон якдил мақсадларга эга эканлиги эса ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, **“Flarus” компаниясининг ижрочи директори Э. Верэлст** ҳам республикамизда яратилган қулай сармоявий муҳит хорижий шерикларда катта қизиқиш уйғотаётган асосий омил эканлигини таъкидлади. “Иқтисодиётга жалб қилинаётган маблағлар ҳажми барқарор ўсиши чет эллик сармоядорлар учун Ўзбекистоннинг амалий ҳамкор сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель



# Истиқболли лойиҳалар самаралари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхонамизга кўпчиликнинг ҳаваси келади, — дейди Хонобод педагогика коллежини чеварлик йўналиши бўйича тамомлаган Сурайё Нўъмонова. — Цехларимиз кенг, ёруғ ва саришта. Ортиқча шовқин йўқ. Овқатланадиган, дам оладиган хоналаримиз шинам. Бу ерда ишлаб чарчамайсан киши. Яқинда коллежни битирган қизлардан 25 нафари корхонамизда амалиёт ўташганди. Уларга илғор технологияларимиз, қулай иш шароити жуда манзур бўлди. Эндиликда ана шу ёшлар ҳам биз билан ёнма-ён туриб либослар тикишмоқда.

— Авваллари чет элнинг машҳур корхоналари ёрлиғи туширилган тикувчилик маҳсулотларини кўриб, ҳавасим келарди, — дейди ёш мутахассис Дилфуза Муҳаммаджонова. — Эндиликда ўша кийим-кечаклардан асло қолишмайдиган либослардан йигирма хилини ўзимизда тикаяпмиз. Улар ички бозорда қўлма-қўл бўлиб сотилаяпти.

Дарҳақиқат, корхонада қисқа вақт ичида тайёрланган 183,5 миллион сўмлик дастлабки маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, 220 миллион сўмликдан ортиқ бежирим либослар ўз харидорларини топди.

— Маҳсулотларимизга ташқи бозорда ҳам талаб ошмоқда, — дейди корхонанинг ижрочи директори Мансуржон Маматов. — Ҳозир хорижий давлатлар савдо уйлари билан бир миллион АҚШ доллари миқдорида трикотаж маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан ўзаро шартномалар имзолаяпмиз. Бу келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.



Таъкидлаш жоизки, айни пайтда хонободликлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш тараддудида. Жумладан, шу кунларда ҳудуддаги бўш турган бинолардан бири ўрнида “Олтин водий текстиль” корхонаси барпо этилаётир. Бу ерда ҳадемай 150 нафардан зиёд чевар иш бошлайди. “Хонобод ёғоч савдо” хусусий фирмаси жамоаси эса Халқ банкидан 400 миллион сўм кредит олиб, трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхонани ташкил этишга киришган. Мазкур истиқболли лойиҳа рўёбга чиққач, маҳаллий ёшлардан 130 нафари доимий даромад манбаига эга бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

ИНФРАТУЗИЛМА

# «Учтепа»нинг кўркам гузари

*Жиззах туманидаги “Учтепа” мавзесида маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.*

Бу ердан маҳалла фуқаролар йиғини идораси биноси, болалар спорт мажмуаси, болалар майдончаси, маиший хизмат уйи ва бозорча ўрин олган.

Таъкидлаш керакки, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган “Учтепа” массивида ўтган йили 105 та, бу йил эса 55 та оила янги уйларга кўчиб ўтди. Мазкур ҳудудда замонавий уй-жойлар билан бирга, ижтимоий инфратузилма иншоотлари ҳам қуриб битказилиши янги мавзега чинакам шаҳарча тусини берди.

Маҳалла гузари ишга туширилишига бағишланган маросим мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда “Меҳр нури”, “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” жамғармалари ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган “Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада” акциясига уланиб кетди. Тадбир давомида йиғилганлар маҳалла гузаридаги спорт мажмуаси ва бу ерда иш бошлаган тўгараклар фаолияти билан танишдилар. Ташкилотчилар томонидан маҳалла болаларига турли спорт анжомлари совға қилинди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Энг қиммат компания

***АҚШнинг “Apple” корпорацияси дунёдаги энг қиммат компаниялар рўйхатида биринчи ўринга чиқиб олди.***

Бунда унинг смартфонлари савдоси юришиб кетгани муҳим аҳамият касб этди. “The Wall Street Journal” нашрининг ёзишича, айни пайтда “Apple”нинг умумий капитали 414 миллиард долларга тенг.

Шу пайтгача мазкур рейтингни бошқариб келган “ExxonMobil” компаниясининг жами сармояси 409 миллиард долларни ташкил этган.

## Музликларда иссиқ ҳарорат

***Гренландия музликларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетди.***



Масалан, 30 июль куни бу ерда термометр кўрсаткичи 25,9 даража иссиқни қайд этган. Бу ҳақда даниялик метеорологлар маълумотлари асосида “The Washington Post” нашри хабар тарқатди.

Гренландиядаги иқлим шароити олимлар томонидан 1958 йилдан бери кузатиб келинади. Шу пайтгача энг юқори ҳарорат 1990 йилнинг 27 июлида аниқланган бўлиб, ўшанда 25,5 даража иссиқ рўй берган.

Мутахассислар абадий музликларда ҳароратнинг кўтарилишини глобал исиш аломатлари сифатида изоҳлашган.

## Телевизорлар бозорида пасайиш

***“IHS” таҳлил компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида дунё бўйича 50,6 миллион дона телевизор сотилган.***

Қизиқ жиҳати, бу ўтган йилнинг тўртинчи чораги якунидаги кўрсаткичдан анча пастдир. Чунки 2012 йилнинг сўнгги уч ойида 75,6 миллион дона телевизор харид қилинган эди.

Маҳсулот етказиб бериш борасида Хитой энг юқори кўрсаткични қайд этди. Яъни ушбу мамлакат ишлаб чиқарувчилари 12,1 миллион дона телевизор сотган. Бу умумий савдонинг 24 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринлардан Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Африка давлатлари жой олди.

## Даромад олишга эришди

***Буюк Британиянинг йирик молиявий муассасаларидан бири — “Lloyds Bank Group” жорий йилнинг дастлабки олти ойида 2,1 миллиард фунт стерлинг миқдорида даромад олишга эришди.***




Бу банк фаолияти аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарганини англатади. Чунки 2012 йилнинг биринчи ярмини “Lloyds Bank Group” 456 миллион фунт стерлинг зарар билан якунлаганди.

“BBC” томонидан тарқатилган ушбу хабарда ўсишга қайси омиллар ҳисобидан эришилгани ҳақида аниқ гап айтилмаган.

## Жиноятчилар йўли тўсилди

***Канар оролларида испаниялик ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан кокаин ортилган яхта тўхтатиб қолинди.***

Ушбу сув транспорти воситасида умумий қиймати 135 минг еврога тенг бўлган 500 кг. “заҳри қотил” борлиги аниқланди. Беш кишидан иборат кема экипажининг икки нафари Испания, қолганлари эса Ирландия, АҚШ ва Австралия фуқаролари экани айтилмоқда.

## Денгиз тўлқини фалокатга сабаб бўлди

***Индонезияда давлатга қарашли “Pertamina” компанияси танкерининг фалокатга учраши оқибатида олти тонна нефть маҳсулоти денгизга тўкилиб кетди.***



Воқеа Тернате ороли соҳилларида рўй берган. Ахборот агентликлари хабарида изоҳланишича, танкер шу ҳудуддаги терминал яқинида турган пайтда катта тўлқинга урилган. Натижада сув транспорти воситаси қирғоқдаги бинога урилиб, пайдо бўлган ёриқдан углеводород хом ашёси оқиб кетган. Ўша вақтда танкерда жами етти тонна нефть маҳсулоти бор эди. Жабрланганлар йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази директори Алишер Исмоиловга акаси **Абдулла ИСМОИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


● Реклама ва эълонлар ●

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2012 йил 2 ноябрдаги 11-1236/10417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Саноат ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 4,80 гектар бўлган 0001 литердаги идора биноси, 0002 литердаги ишлаб чиқариш цехи, 0003 литердаги ишлаб чиқариш цехи, 0004 литердаги омборхона, 0005 литердаги омборхона, 0006 литердаги омборхона, бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 176 400 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ХЁАТБ «Hi-tech bank»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО: 01066, СТИР: 302373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.*

1283R/205

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**бўш турган (вакант) «Қурувчи - муҳандис» лавозимига ишга таклиф этади.**

***Номзодлардан қуйидагилар талаб этилади:***

- Олий маълумотли — мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;
- Уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туриши лозим.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 239-14-89 — Ходимлар бўлими,**
**(8-371) 227-46-59, 239-40-27 — қабулхона.**

1284R/769

**БИЛДИРИШ**

**«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 3 июлдаги 128-сонида хабар қилинганидек, аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова (2-линия Киев) кўчаси, 2-уйда жойлашган тураржойни сотиш Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 26 июлдаги ижро хатига асосан тўхтатилди.**

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

1282R/105

**Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси**



**моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.**

Маълумот олиш учун **(8-371) 241-41-06** телефони орқали **соат 10.00 дан 18.00 га** қадар мурожаат қилиш ёки тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

1278R/755

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2013 йил 27 мартдаги 639-сонли ижро варақасига ва 2011 йил 24 августдаги гаров (ипотека) шартномасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, 1-мавзе ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 29,76 кв.м., фойдаланиш майдони 25,03 кв.м. бўлган савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1281R/1453

**ВИРИН ХСК**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил: Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй. Тел.: (+99890) 920-32-99, (+99894) 160-27-24.**

***МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН***

1159R/690

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган, 11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахонаси бўлган, бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган 2 қаватли тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 710 997 164 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 22 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1285R/1453

МУТАХАССИС МИНБАРИ

*Бугун жаҳонда тараққиёт илдамлаб, ҳаёт сифати тобора яхшиланиб бораётганлиги, одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгараётганлиги баробарида, таассуфки, касалликлар тури ва хавфи ҳам ортмоқда. Айтиш жоизки, ҳар қандай хасталикни, айниқса, инсон вужудида пайдо бўладиган хавфли ўсимталарни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал.*

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## турли ўсма касалликларига қарши энг самарали воситадир

**Б**у аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини янада кучайтиришни тақозо қилади. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизда онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва уни самарали даволашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги етакчи даволаш муассасаларидан бири — Республика онкология илмий марказида бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг изчиллиги таъминланаётгани фикримиз тасдиғидир.

Марказимиз шаҳар ва вилоят онкологик диспансерларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда беморларга малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Шифо масканимиз 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўртта клиник бўлим, учта илмий, битта клиник лаборатория, шунингдек, нур, ультратовуш диагностикаси, юқори энергия ва патоморфология бўлимларидан иборат. Клиник бўлимлар таркибига колопроктология, урология, торакал, абдоминал, бош бўйин касалликлари, кимётерапия, гинекология, маммология, умумий онкология, офтальмология, болалар онкологияси, радиотерапия ва реанимация бўлимлари киради. Мазкур бўлимларда барча аъзоларнинг онкологик касалликлари жарроҳлик, кимётерапия ва нур терапиясини комплекс қўллаш усули билан даволанади. Зеро, марказда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш устувор йўналишлардан биридир.

Марказнинг Патоморфология бўлими мутахассислари ўсма касалликлари ташхисида цитологик, гистологик ва иммуногистокимёвий усуллардан самарали фойдаланмоқдалар. Қолаверса, касалликка ташхис қўйишни янада такомиллаштириш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги олим ва тадқиқотчилар билан фикр алмашиниш учун бўлимда телемедицина йўлга қўйилган. Унинг кўмагида микроскоп остидаги суратларни интернет орқали Швейцария ва Африка мамлакатларига юбориб, жаҳоннинг етук мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш имкони мавжуд.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*СУРАТДА: марказ ходимлари Олим Имомов ва Баҳриддин Султонов навбатдаги муолажа олдидан фикрлашмоқда.*

Гинекология бўлимида гистероскопия — бачадон танаси ва бачадон цервикал канали (бўшлиғи)ни текшириш, ўсма маркерларини, яъни қон ва пешобдаги ўсмага хос оқсил моддаларни аниқлаш усуллари қўлланилаяпти. Шунингдек, зарарланган аъзоларнинг жарроҳлик амалиёти, ўсма қўшни аъзоларга тарқалган ҳолда эса кенгайтирилган ва комбинирланган операциялар, ёш аёлларда аъзони сақлаб қолишга қаратилган операциялар, сут бези саратонида пластик операциялар (олиб ташланган сут бези ўрнига қўшни тўқималардан сут бези ясаш ёки тайёр сунъий сут безини ўрнатиш), эндоартериал кимётерапия, қон кетиш ҳолатларида эмболизация, яъни қон томирларига эмбол қўйиш ва қонни тўхтатиш сингари замонавий даво усуллари қўлланилмоқда.

Маммология бўлими фаолияти эса, асосан, сут бези саратони касалликларини комплекс даволаш ҳамда мастэктомия ўтказилган беморлар реабилитациясига қаратилган. Бу ерда ҳам хирургик даволашнинг барча усуллари қўлланилади. Видеоторокоскопик парастернал лимфоаденэктомия, лапароскопик овариэктомия, TRAM-бўлакли, TDL-бўлакли реконструктив пластик операциялар шулар жумласидандир.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Беморга хавфли ўсма ташхиси қўйилиб, унинг ҳаётини сақлаб қолиш масаласи долзарб бўлиб турганида, унда “Энди қаерда сифатли ва самарали даво олишим мумкин?” деган савол туғилади. Ана шу пайтда унинг олдида айрим “фирма-ҳамкорлар” пайдо бўлиб, катта маблағ эвазига хорижда даволаниш таклифини беришади. Бундай ҳолатларда алданиб қолмаслик зарур. Сабаби, мамлакатимизда мавжуд ва мутлақ бепул бўлган ультратовуш текшириши, компьютер томография, ўсмадан биопсия олиш ва морфологик ташхислаш ҳамда турли жарроҳлик муолажалари мавжуд. Бундай хизматлар эса, табиийки, чет давлатда пуллик хизматлар қаторига киради. Ўзбекистон онкологик муассасаларида мавжуд бўлган бепул препаратлар асосида стандарт кимёвий даволаш курслари ўтказилади.

Бугунги кунда мутахассисларимиз тиббий профилактика жараёнлари, онкологик хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини қўллаш борасида доимий изланишлар олиб бормоқда. Бу ўта муҳим аҳамиятга эга. Негаки, мазкур турдаги хасталиклар, асосан, белгисиз кечганлиги сабабли, кўпинча, беморлар шифокорга анча кечикиб мурожаат қилишади. Айнан шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун шифо масканининг тажрибали мутахассислари иштирокида чекка қишлоқ ва маҳаллалар, корхона ҳамда ташкилотлар, ўқув масканларида соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилиб, кенг жамоатчилик орасида бепул тиббий текширувлар ўтказилаяпти.

Маълумки, ҳозир жаҳон миқёсида онкологик хасталиклар билан боғлиқ илмий тадқиқотлар сони тобора ортиб бораётган бўлса-да, касалликка кечиктирмай аниқ ташхис қўйиш муаммолигича қолмоқда. Ваҳолонки, келгусида бу масала тўлиқ ҳал этилгудек бўлса, беморларни қарийб 90-95 фоизгача дарддан халос қилишга муваффақ бўлиш мумкин экан. Шуни инобатга олиб, марказ мутахассислари тиббий хизмат кўрсатишнинг буткул янгича усулларини татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнгги етти-саккиз йил ичида марказда меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларида жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Қувонарлиси, МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташлангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини тиклаш, ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш жарроҳлиги, яъни бемор ичагидан ошқозон ҳосил қилиш операцияси қўлланилмоқда. Ва бу услуб ўз самарасини бераяпти ҳам. Шундай амалиётлар бугунги кунгача 100 дан зиёд беморларда қўлланилди. Улар орасида хасталикдан фориғ бўлгач, соғлом ҳаёт кечириб, меҳнат фаолиятини давом эттираётганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Бу йўналишдаги ишларнинг изчиллигини таъминлашга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт учун” миллий уюшмаси каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган қатор ижтимоий-тиббий лойиҳалар, соғломлаштириш дастурлари, илмий анжуманлар, форум ва семинарлар бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин далилидир.

**Ҳ**ақиқатан ҳам, мамлакатимиз тиббиётида изчил изланиш, янгича муолажа услубларини амалиётга кенг татбиқ этиш, мутахассислар малакасини ошириш ва уларнинг тажрибасини бундан-да оммалаштиришдек муҳим вазифалар ижросини таъминлашга доимий равишда эътибор қаратилаётир. Бинобарин, мазкур саъй-ҳаракатларнинг бари юртимизда инсон қадри, унинг ҳаёти ва соғлиғи ҳамма нарсадан устун эканлигининг амалий ифодасидир.

**Саримбек НАВРЎЗОВ,**
**Республика онкология илмий маркази директори.**

# Спорт

## Гроссмейстеримиз совриндорлар сафида



***Испаниянинг Ситжес шаҳрида шахмат бўйича “Vila de Sitges — 2013” халқаро турнири бўлиб ўтди.***

Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган тажрибали гроссмейстеримиз Алексей Барсов совриндорлар сафидан жой олди. Швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат мазкур мусобақада спортчимиз беш партияни ўз фойдасига ҳал қилди, тўртта ўйинда эса рақиби билан муроса кўчасини танлади. Шу тариқа етти очко жамғарган шахматчимиз кумуш медаль билан тақдирланди.

Мусобақада Алексей Барсовдан ярим очко кўп жамғарган арманистонлик гроссмейстер Карен Григорян бош совринга сазовор бўлди. Бронза медали эса венесуэлалик Даниель Пульветтга насиб қилди.

## Анъанавий мусобақа

***Пойтахтимизда шахмат бўйича “Тошкент ёзи — 2013” халқаро турнири давом этмоқда.***

Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан уюштирилган мазкур мусобақада 60 нафарга яқин шахматчи баҳслашаяпти. Мусобақа тўққиз турдан иборат бўлиб, унда ҳозиргача ўтказилган ўйинлар натижасига кўра, иқтидорли спортчимиз Бобур Сатторов пешқадамлик қилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида ҳам яна бир ҳамюртимиз Ирина Геворкян энг яхши кўрсаткични қайд этиб турибди.

Бундан ташқари, Жамшид Шодиқулов, Одил Раҳмон, Элбек Алиқулов, Иззатилла Султонов ва Нурулла Ўролов ҳам дастлабки икки партияда ғалабага эришди.

## Ярим финалнинг ярим натижаси

***Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг дастлабки ярим финал учрашувлари ўтказилди.***




Унда “Пахтакор” ўз майдонида “Насаф”ни, “Бунёдкор” эса “Локомотив” клубини қабул қилди.

Эътиборлиси, ҳар икки баҳсда ҳам ғолиб аниқланмади. Хусусан, “Пахтакор” стадионида кечган ўйин 0:0 ҳисоби билан якунланди.

“Бунёдкор” эса 0:2 ҳисобида имкониятни бой бераётганига қарамай сўнгги дақиқаларда мувозанатни тиклай олди.

Ярим финалнинг жавоб ўйинлари 21 ва 22 август кунлари бўлиб ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Тошни майдалайдиган гул

*Қуштирноқ — мураккабгулдошлар оиласига мансуб шифобахш гиёҳ. Халқ табобатида унинг гулсаватчасидан тайёрланган дамлама жигар, талоқ, меъда ва ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Тери куйганида, совуқ урганида, йирингли яраларда эса гулларидан тайёрланган дамлама самара беради.*

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Қуштирноқ қовуқдаги тошни майдалаб, пешоб ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Шунингдек, у қизилча, рахит, бош айланиши, изтиробли йўтални даволашда қўлланилади.

Бугунги кунда замонавий тиббиётда ҳам қуштирноқдан тайёрланган препаратлардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ўсимлик тиндирма (настойка)си аёлларнинг климакс даврида қон босими ошишининг олдини олса, гулсаватчаларидан тайёрланган дамлама саратонга қарши курашишда энг самарали восита саналади.

Мазкур гиёҳнинг гуллари таркибида 17 фоизга яқин календен, 3 фоиз каротин, органик кислоталар, фитонцидлар, алкалоидлар, эфир мойи, қатрон, албумин, сапонинлар ва маъданий унсурлар бор.

Қуштирноқ гулларидан дамлама тайёрлаш жуда осон. Бунинг учун оғзи ёпиладиган идишга ўсимлик гулсаватчаларидан 2 чой қошиқ солиб, унинг устига 2 стакан қайнаган сув қуйилади-да, чорак соат дамлаб қўйилади. Сузиб олинган дамламадан кунига 4 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия қилинади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**



ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР

*Мустақиллик шарофати билан юртимизда камолга етган алломаларимизга бағишлаб анжуманлар ўтказилмоқда, тарихи китобларда ёритилмоқда, сўнгги манзиллари зиёратгоҳга айлантирилмоқда.*

# Ибрат ва фидойилик тимсоли

Президентимиз ташаббуси билан биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1994 йилда Мирзо Улуғбек, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур, 1998 йилда Имом Бухорий, 2000 йилда Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва маънавий меросини ўрганишга оид халқаро анжуманлар ўтказилди. Бу каби тадбирлар туфайли ўнлаб, юзлаб алломаларимиз зиёратгоҳлари обод манзилларга айлантирилди.

Янги тарихимизнинг 22 йилида буюк юртдошларимизнинг дунё тамаддуни юксалишига қанчалик катта ҳисса қўшганликларини теран англаб етдик. Муқаддас заминимизда улуғ алломалар етишиб чиққанлиги ва улар жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшганликлари қалбларимизга фахр бағишламоқда. Ана шундай аждодларимизнинг пешқадамлари сафида Имом Мотуридий номи ҳам баралла жаранглаб турибди.

Ал-Мотуридий милодий 870 йилда Самарқанд шаҳрининг чеккасидаги Мотурид мавзеида туғилган ва 944 йилда шу ерда вафот этиб, Чокардиза қабристонида, ўз васиятига кўра, дафн этилган. У кишининг тўлиқ номлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ансорий бўлиб, тахаллуслари ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Мотуридий жуда кўп асарлар ёзган, уларнинг энг машҳурлари “Китоб ут-тавҳид”, “Китоб ул-таъвилот”дир. Бу каби ўлмас асарларида халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик ва тараққийпарварлик каби улуғ фазилатларни ёрқин намоён этган. Шу боис бугун алломанинг фаолияти ва қолдирган беназир меросини янада чуқурроқ ўрганиш, уларни таҳлил этиш, замондошларимиз ҳамда келажак авлодларга етказиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Алломанинг маънавий ибрати шундаки, у ўша даврда жоҳилларнинг таҳдид ва тажовузларидан қўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фирқаларга қарши кескин раддиялар битган. Ҳақиқат, эртами-кечми, барибир юзага чиқади, дейдилар. Шу маънода, Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантиқ қудрати шу қадар кучли эдики, уни, ҳатто, алломанинг мухолифлари ҳам охир-оқибатда тан олдилар.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги асосида Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида қад ростлаган мақбара ҳам ана шу эъзоз ва эътибор самарасидир. Мақбаранинг очилиш маросимида Юртбошимиз шундай деган эдилар: “Буюк бобомиз яшаган даврда ҳар турли диний фирқа ва оқимлар ўртасида ғоявий қарама-қаршиликлар, зиддият ва низолар кучайиб, қонли можаролар авж олган эди. Мўмин-мусулмонлар учун бағоят хатарли ва таҳликали ана шундай бир вазиятда ҳазрати Мотуридий зўр матонат, авлодларга ибрат бўладиган фидойилик намунасини кўрсатди. Ул зот Аллоҳ таоло ўзига ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб борди. Лекин бу курашда у ғанимларга қарши куч ишлатиб, қилич яланғочлаб жанг қилгани йўқ. Аллома бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди”.

Мотуридий илмий мероси долзарблигини йўқотмаган, аксинча, ҳозир ҳам ул зотнинг асарлари эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Комилхон КАТТАЕВ,**
**тарихчи-манбашунос**

## Навоийда ёшлар фестивали




Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб, “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилаётган маданий-маърифий учрашувлар, спорт ўйинлари, интеллектуал беллашувлар, адабий-бадиий кечалар, жонли мулоқотлар жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жумладан, Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да таниқли шоир ва адиблар билан ёш ижодкорлар учрашувида Истиқлол ва Ватан мавзусида янграган шеърлар кўнгилларга завқ улашди.

Фестиваль ниҳоясида шаҳарнинг “Сўғдиёна” марказий стадионида таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури ҳам намойиш этилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — F. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5